

ISSN: 2450-8160

# Herald pedagogiki. Nauka i Praktyka

wydanie specjalne



Warszawa  
2021

## Editorial Team

---

**Editor-in-chief:** *Gontarenko N.*

---

### EDITORIAL COLLEGE:

---

**W. Okulicz-Kozaryn**, *dr. hab, MBA, Institute of Law, Administration and Economics of Pedagogical University of Cracow, Poland;*

**L. Nechaeva**, *PhD, PNPUI Institute K.D. Ushinskogo, Ukraine.*

**K. Fedorova**, *PhD in Political Science, International political scientist, Ukraine.*

## ARCHIVING

*Sciendo archives the contents of this journal in [ejournals.id](http://ejournals.id) - digital long-term preservation service of scholarly books, journals and collections.*

## PLAGIARISM POLICY

*The editorial board is participating in a growing community of [Similarity Check System's](#) users in order to ensure that the content published is original and trustworthy. Similarity Check is a medium that allows for comprehensive manuscripts screening, aimed to eliminate plagiarism and provide a high standard and quality peer-review process.*

## About the Journal

Herald pedagogiki. Nauka i Praktyka (HP) publishes outstanding educational research from a wide range of conceptual, theoretical, and empirical traditions. Diverse perspectives, critiques, and theories related to pedagogy – broadly conceptualized as intentional and political teaching and learning across many spaces, disciplines, and discourses – are welcome, from authors seeking a critical, international audience for their work. All manuscripts of sufficient complexity and rigor will be given full review. In particular, HP seeks to publish scholarship that is critical of oppressive systems and the ways in which traditional and/or “commonsensical” pedagogical practices function to reproduce oppressive conditions and outcomes. Scholarship focused on macro, micro and meso level educational phenomena are welcome. JoP encourages authors to analyse and create alternative spaces within which such phenomena impact on and influence pedagogical practice in many different ways, from classrooms to forms of public pedagogy, and the myriad spaces in between. Manuscripts should be written for a broad, diverse, international audience of either researchers and/or practitioners. Accepted manuscripts will be available free to the public through HPs open-access policies, as well as we planed to index our journal in Elsevier's Scopus indexing service, ERIC, and others.

HP publishes two issues per year, including Themed Issues. To propose a Special Themed Issue, please contact the Lead Editor Dr. Gontarenko N ([info@ejournals.id](mailto:info@ejournals.id)). All submissions deemed of sufficient quality by the Executive Editors are reviewed using a double-blind peer-review process. Scholars interested in serving as reviewers are encouraged to contact the Executive Editors with a list of areas in which they are qualified to review manuscripts.

**БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВ  
ФАОЛИЯТИНИ ИЧКИ ДИФФЕРЕНЦИАЛЛАШТИРИШДАН  
Фойдаланиш**

**Мамаражабов Шавкат Эргашевич**  
Педагогика фанлари номзоди, доцент  
Mamarajabovshavkat1973@gmail.com  
Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети

*Аннотация: Ушбу мақолада бўлажак мутахассисларни тайёрлаш жараёнида ички дифференциаллашган таълимдан фойдаланишнинг имкониятлари баён қилинган.*

*Калит сўзлар: ички дифференциал таълим, мутахассис, компетенция, таълим жараёни, таълим узлуксизлиги.*

**USE OF INTERNAL DIFFERENTIATION OF EDUCATIONAL WORK IN  
THE PROCESS OF TRAINING FUTURE SPECIALISTS**

**Mamarajabov Shavkat Ergashevich**  
Doctor of philosophy(PhD) pedagogics, Dosent  
shavkatmamarajabov261@gmail.com  
Tashkent State University of Economics

*Annotation: This article describes the possibilities of using internal differentiation of training in the training of future specialists.*

*Keywords: internal differential education, specialist, competence, learning process, continuity of education.*

Маълумки, ҳозирда таълим жараёнини ташкил этиш олдида турган асосий муаммолардан бири бу - таълим олувчиларнинг индивидуал хусусиятларини эътиборга олган ҳолда уни ташкил этиш масаласидир. Ушбу муаммони ҳал этиш доирасида қатор тадқиқотлар олиб борилган.

Таълимни дифференциаллаштириш ва индивидуаллаштиришга оид тадқиқот ишларини чуқур таҳлил этган ҳолда Н.С.Пурешева "дифференциаллаштириш" ва "индивидуаллаштириш" тушунчаларини аниқлаштиришга оид турлича ёндашувни таклиф этади, яъни таълимни дифференциаллаштиришни иккига: ички (индивидуаллаштирилган) ва ташқи турларга ажратади. Биз, муаллиф сингари, ички дифференциаллаштириш ёрдамида талабаларнинг индивидуал хусусиятларини эътиборга олишни амалга оширилишга имкон беришини янада яққол намоён бўлишини таъкидламоқчимиз.

Биринчи навбатда бизни ички дифференциаллаштириш кўпроқ қизиқтиради, сабаби ташқи дифференциаллаштириш таълим муассасасида амалга оширилган, талабалар танлаган касбига мувофиқ ҳолда турли йўналишларда таълим олишади.

Ички дифференциаллаштиришнинг қуйидагича амалга оширилиши Н.С.Пурьшева томонидан таклиф этилади: индивидуал ёндашувни амалга ошириш (мажбурий тайёргарлик даражаси) ва даражали дифференциаллаштириш (юқори тайёргарлик даражаси).

Бундан кўриниб турибдики, ички дифференциаллаштириш нафақат таълим олувчиларнинг индивидуал хусусиятларини эътиборга олишнинг анъанавий шакли (таълим олувчиларга индивидуал ёндашув), балки даражали дифференциаллаштириш шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ички дифференциаллаштириш деганда одатдаги гуруҳларда талабаларнинг индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш доирасида ўқитиш амалга ошириладиган таълимни ташкил этилиши тушунилади. Уларнинг барчаси бир хил ўқув режаси, дастурлари ва қўлланмалари билан ишлайди, фақат ўқитувчи индивидуал методлар, шакллар ва таълим воситалари ҳамда назорат усуллари қўллайди. Бунда турли даражадаги билиш фаолиятларини амалга ошириш учун академик гуруҳ ичида кичик гуруҳларни ташкил этиш мумкин. Мазкур ёндашув асосида ички дифференциаллаш таълимни индивидуаллаштириш деб аталади. Ички дифференциаллаштиришнинг асосий мақсади "таълим жараёни ва таълим олувчиларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини мувофиқлаштириш, ҳар бир ўқувчининг психик ривожланишини таъминловчи шарт-шароитларни яратиш" ҳисобланади.

Даражали дифференциаллаштириш қўлланиладиган таълим, таълим олувчиларнинг ўз индивидуал хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўқув материални ўзлаштирилишининг мураккаблик даражасини мустақил ва ихтиёрий танлаш имконини беради. Даражали дифференциаллаштириш ўзлаштиришнинг бир нечта даражасини назарда тутди: таянч (мажбурий тайёргарлик даражаси) юқори ва юқори (ҳар иккиси минималдан юқори бўлган талабалардан иборат даражани ифодалайди), ва ёки тайёргарлиги яхши бўлган талабаларнинг имкониятлари ва қизиқишларига мувофиқ келадиган, ёки қобилияти суст бўлган талабалар учун "ривожланишининг яқин доираси" ҳисобланадиган. Таълим олувчиларнинг ушбу даражалардаги ҳаракати ихтиёрий бўлиб, талабага "мунтазам равишда ривожланишнинг яқин доирасида, таълимнинг индивидуал максимал кучли даражада бўлиши кенг" таъминланиши имконини беради.

Таълим жараёнида даражали дифференциаллаштиришни амалга оширишда таянч даражани - мажбурий тайёргарлик даражасини ажратиш муҳим бўлиб, ундан келиб чиққан ҳолда материални ўзлаштиришнинг юқори даражасини шакллантириш мумкин бўлади.

Таянч билим даражаси олий таълимнинг маълум ҳар бир тайёрлов йўналиши бўйича давлат таълим стандарти асосида белгиланиб, ҳар бир таълим олувчи учун тааллуқли бўлади.

Юқори мураккабликдаги даража назарий материалларни нисбатан кенгроқ қўллашни талаб этувчи топшириқларни ўз ичига олади, шунингдек, у ёки бу масани ечишда маълум бўлган алгоритмлар чегарасидан чиқишни ҳам назарда

тутади. Юқори даража етарли даражада мураккаблиги билан ажралиб турадиган ҳамда тайёр ечиш алгоритми мавжуд бўлмаган топшириқларни бажарилишини назарда тутати.

Аммо шуни таъкидлаш лозимки, таклиф этилаётган барча даражалар учун талаблар, шунингдек, уларни баҳолаш шартлари ва мезонлари таълим олувчилар учун тушунарли тарзда баён этилиши керак. Шундан келиб чиқиб улар топшириқларнинг мураккаблик даражасини ўз қобилиятларига мувофиқ ҳолда ихтиёрий танлаш имкониятига эга бўлади, бу эса ҳар бир таълим олувчининг таянч даражадан паст бўлмаган назарий материал ҳажмини тўлақонли олиш имконини беради.

Бундан ташқари, турли даражалар учун талабларнинг очиқлиги турли мураккаблик даражадаги таълим мазмунини ихтиёрий анланган ҳолда индивидуал танлаши учун асос бўлади, талабага унинг хусусиятлари ва қизиқишларини эътиборга олган ҳолда тўла ривожланиши учун мувофиқ келадиган индивидуал таълим траекториясини танлашини таъминлайди.

Шундай қилиб, ички дифференциаллаштириш ҳар бир таълим олувчининг индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш имконини беради. Бунда ўқитувчи учун қўйиладиган асосий талаб: уларни ривожланиш даражасига мувофиқ келадиган талабларни қўя билиши, уларга мос топшириқларни ишлаб чиқиши, шу асосда методлар ва таълим шаклларини танлай билишидир. Таълим жараёнининг натижаси эса талабаларнинг фанни ўрганишга бўлган мотивациясини ошиши ва ўз-ўзини баҳолашда уларнинг фаоллашишида намоён бўлади.

#### **Адабиётлар:**

- 1.Философский энциклопедический словарь / Гл. редакция: Л.Ф. Ильичев, П.Н. Федосеев, М.С. Ковалев, В.Г. Панов - М.: Сов. Энциклопедия, 1983. - 840 с.
- 2.Пурьшева Н.С. Методические основы дифференцированного обучения физике в средней школе: дис...д-ра пед.наук: 13.00.02 / Пурьшева Наталия Сергеевна. - М., 1995. - 518 с.
- 3.Осмоловская, И.М. Дифференциация обучения в современной школе / И.М. Осмоловская. - М., 2004.- 176 с.
- 4.Павлуцкая Н.М. Дифференциация обучения физике бакалавров технических направлений подготовки как условие формирования их общекультурных и общепрофессиональных компетенций дис...д-ра пед.наук: 13.00.02 / Павлуцкая Нина Максимовна. - М., 2016. - 311 с.